

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

**“ШАҲАРСОЗЛИК ВА ЛАНДШАФТ АРХИТЕКТУРАСИ”
КАФЕДРАСИ**

ТУШУНТИРИШ

ХАТИ

ДИПЛОМ МАВЗУСИ:

Дипломант: 3-12 гуруҳ талабаси

.

Раҳбар:

Тошкент 2017

КИРИШ

1. МЕЪМОРИЙ РЕЖАВИЙ ЕЧИМ

2. ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ



3. ХУДУДНИ МУХАНДИСЛИК ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТРАНСПОРТ

4. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ВА МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИ

5. ХУЛОСА



6. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

TOSHKENT VILOYATI UCHUN KO'RGAZMALAR ZALI BINOSI LOYIHASI



№	Имя	Математика
1	Табур	18,5
2	Хол	19
3	Курашлар хонсая	17,9
4	Чингиз	17,9
5	Табур	17,8
6	Курашлар аяли	28,9
7	Чингизлар аяли хонсая	74
8	Эркенар СУ 2та	23,22-46,4
9	Алиев СУ 2та	23,22-46,4
10	Алиев бей хонсая	27
11	Алиев бей хонсая	8
12	Эркенар хонсая	8,8
13	Билал хонсая	204,2
14	Кай-бей	48,2
15	Ослонка	48,2

№	Исман	Миллион
1	Вестландера	84,4
2	Балкан	232,8
3	Юмурсини сиклини кониси	31,4
4	Медунгун	15,1
5	Ардуш	15,1
6	Ферраллар кониси	31,4
7	Монтаж гуруу кониси	32,9
8	120 гуруу Конференс-мал	149,7
9	VII-хотла	11,7
10	VII-хотла	21,5
11	Офис	15,1
12	Офис	31,4
13	Визит	15,1
14	Эксплицит СУ	13,1



КИРИШ

Хозирги кунга қадар мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликка эришгани, модернизация ва диверсификация ҳисобидан юқори суръатлар билан ривожланганини қайд этиш мумкин. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, модернизациялаш ва янгиланиш бевосита қурилиш тармоғини жадал риволанишида ҳам намоён бўлмоқда. Ўтган даврда асосий инвестицион харажатлар ўзлаштирилган қурилиш объектлари Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2013 йил якунларига бағишланган маърузасида ўз ифодасини топган.

Фақат 2013 йилнинг ўзида Жамғарма маблағлари иштирокида қиймати 780 миллион доллардан ортиқ бўлган 33 та ўта муҳим лойиҳа амалга оширилди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар заминида мамлакат аҳолисини турмуш даражасини юксалтириш, муносиб ҳаёт кечириши учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратиш ва реал даромадларини ошириш масаласи ётади. Шундан келиб чиққан ҳолда, тобора юксалиб бораётган аҳолининг ижтимоий, маданий-маърифий ва санъат соҳаларидаги эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида минтақаларда замонавий, кўркам ва янги ечимларга эга бўлган иншоотларни барпо этиш долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, қурилиш маданиятига бўлган эътибор сезиларли даражада кучайди. Ҳалқ бойлиги саналадиган кадимий ёдгорликларни қайта тиклаш, уларни асраб-авайлаш, урганиш давлат сиёсатининг муҳим вазифалари сирасига киритилди. Чет мамлакатлари билан ўрнатилган ташқи алоқалар, катта босимдаги информацион оқим бошқа соҳаларда булгани каби архитекторлар ва қурувчилар олдига ҳам янги архитектуравий изланишлар, талабларни қуйди.

Архитекторлар ва қурувчилар томонидан аввалгидан фаркли уларок биноларга индивидуал ижодий ёндашиш салоҳияти кучайди. Бу жамоат бинолари, шахсий турар-жойлар мисолида, шунингдек, транспорт

иншоотлари ва бошқа барча турдаги архитектура биноларида яккол намоён бўла бошлади.

Ўзбекистон шаҳарлари ривожланишининг ҳозирги босқичи бир қатор долзарб муаммоларни илгари сурмоқда. Булар замонавий бино ва иншоотларни барпо этиш, бино ва иншоотларнинг функционал-режавий архитектура-бадий қурилишини такомиллаштириш, шаҳар ҳудудидан унумли фойдаланишдан иборат.

Меъморларнинг қўпчилиги турли минтақалар хусусиятларини ҳисобга олиб, айниқса, кўҳна шаҳарларнинг тарихий қисмларини таъмирлашда махсус лойиҳалар бунёд этдилар. Шунинг эътирофи сифатида керакки, меъморларимиз кейинги йилларда яратган қатор бинолар фойдаланиш учун қулай, соз ва кўркемлиги, бадий жиҳатдан хилма-хиллиги билан илгари бир қолипда қурилган кўримсизликка ва бир хил нусхадалиikka чек қўймоқда.

Замонавий бинолар янада қулайроқ, конструкциясини зилзилага чидамли қилиш, бинолар атрофини боғ-роғлар, кўкаламзорлар, ариқлар воситаси билан ободонлаштириш каби бир қатор муаммоларни ечиш меъморларимиз зиммасидаги энг масъулиятли ва долзарб вазифалардан биридир.

Ушбу битирув малакавий ишда Тошкент вилоятида янги типдаги, алоҳида архитектуравий ечимга эга бўлган Кўргазма павильонини лойиҳасини ишлаб чиқишнинг назарий, иқтисодий-амалий ва конструктив масалари кўриб чиқилган.

Мазкур тадқиқот ишининг вазифалари:

1. Архитектура-лойиҳа ишларининг назарий ва ҳуқуқий асосларини ўрганиш;
2. Объект жойлашган ҳудудни ўрганиш, аниқлаш ва баҳолаш;
3. Мавжуд лойиҳалар бўйича миллий ва хорижий мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш;
4. Лойиҳа эскизини тайёрлаш;
5. Лойиҳаланаётган объектнинг қурилиш конструкцияларини ишлаб чиқиш;

6.Объектни техник-иқтисодий асослаш;

7.Лойиҳани амалга оширишда меҳнат муҳофазасини таъминлаш чоратadbирларини тавсия этиш.

8.Лойиҳани амалга ошириш юзасидан ҳулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий иши таркибан 3 қисмдан иборат бўлиб, тушунтириш хати 42 бет, 9 та расм ва 3 та жадвални ўз ичига олади.

Архитектуравий ечимлар

Кўргазма заллари. Кўргазма биолари ва комплексларининг асосий мақсади аҳолининг турли меҳнат фаолиятлари халқ хўжалиги , техникаси ва маданиятидаги эришган ютуқларини намоиш этиш ва тарғиб қилишдир.

Кўргазма универсал ҳолда ва биров мавзу асосида, саноат ва савдо-сотиқ, қишлоқ хўжалиги бўйича маданиятнинг алоҳида жабҳалари: маориф, соғлиқни сақлаш, миллат, мебелсозлик, дизайн бўйича ташкил этилиши мумкин.

Кўргазмалар қатнашчиларининг таркибига кўра қуйидаги турларга бўлинади: халқаро, умумжаҳон, республика, ўлка, вилоят ва маҳаллий, шаҳар миқёсидаги кўргазмаклар. Жаҳон мамлакатларининг энг янги ютуқларини ташвиқот қилишда умумжаҳон кўргазмалари муҳим рол ўйнайди (1-расм).



1--расм: Вена шаҳридаги халқаро кўргазма павильони.

Улар систематик равишда ҳар 4 йилда бир марта ўтказилади, 20 йил мобайнида умумжаҳон кўргазмаларининг қатнашчилари сони 6 дан 60млн. гача ошди,майдони 10 тадан 3000 тагача, қатнашувчи мамлакатлар сони 32 тадан 80 тагача кўпайди.

Кўргазмалар биносини лойиҳалаш принциплари. Кўргазма павильонларининг структураси музей биносидаги сингари хоналардан ташкил топади, яъни томошабинларга хизмат қилувчи хоналар, кўргазма кўйиладиган хоналар, маъмурий хоналардан иборат.

Вестибюль гуруҳига қуйидагилар киради: гардероб, ахборот маркази, хожатхоналар. Унда вестибюль яқинидаги дам олиш жойлари ва буфетлар (ресторан, кафе-бар) жойлаштирилади.

Маданий-оқартув ишлари учун хизмат қилувчи биноларга кино ва маъруза зали, кўп холларда алохида блокда мустақил кириб-чиқиш имконияти яратилиб лойиҳаланади.

Маъмурий хоналар гуруҳи қабулхона (директор хонаси, ҳамма билан ишловчи сектор, экскурсия раҳбарлари ва жамоат ташкилотлари хоналари) йиғиқ ҳолда лойиҳаланади. Ёрдамчи хоналарга ишлаб чиқариш устахоналари, суръатхона, техник хизмат кўрсатиш пункти ва хизматчи ходимлар хоналари киради.

Павильоннинг фазовий тузилиши. Кўргазма бинолари композиция жihatдан икки турга бўлинади: марказлашган (қисмларга ажратилган) ва тарқоқ ҳолдаги. Бир бутун фазовий структурага эга бўлиб, бинони функционал жihatдан эркин ҳолда режалаштиришга, экспозицияларни яхлит ҳолда идрок этишга имконият беради. Тарқоқ ҳолдаги композиция айрим функционал блоклардан ташкил топган бўлади. Бу композиция кўргазмани бир қанча мавзулар бўйича бўлимларга ажратилган ҳолда ташкил этишга ёрдам беради.


Хоналар гуруҳларининг функционал боғлиқлиги. Доимий кўргазма павильонларини лойиҳалаш жараёнида кўргазма универсал ички фазони ярата олиш, экспозиция сони ва тартибини ўзгартириб туришга қулайлик туғдирадиган режани туза олиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳаракат жадвали хоналарнинг бир-бирига боғлиқлигини белгилаб, экспонатларни мантиқий тузилган тартиб бўйлаб жадвалини ташкил этишнинг мақбул вариантларидан бири бу – айланма йўналишни тармоқланган ҳаракат маршрутлари билан бойитишдир.

Кўргазма биноларининг шаҳар ҳудудларида жойлаштиришни тарлашда аввало унинг шаҳар билан туманлар ўртасидагиташқи алоқа масаласига, транспорт муаммолари ечимига, магистрал йўллариининг имкониятларига, ҳамда майдоннинг ландшафтига эътибор қаратилади. Натижада кўргазма биросининг жойини танлашни баҳолашда бир нечта омиллар мажмуаси: шаҳар марказида бўлиши, шаҳарнинг кенгайишини ҳисобга олган ҳолда ёки унинг чеккаларида кейинчалик алоҳида якка мавжудлиги ҳисобга олинади. Вақтинчалик кўргазмаларни ташкил қилишда унинг ҳудудларидан фаоллик билан фойдаланиш учун, кўргазма ядроси гўёки жамоатчилик маркази сифатида ишлатилади.

Кўргазма мажмуалари ягона бирлашган мавзу асосида бўлса, унинг ҳудуди кўп сонли томошабинларни юришига мўлжалланади ва шунга қараб, турли хил транспорт воситаларини қатнашига имконият яратилади.

Конструкциялар ва материаллар. Кўргазма бинолари архитектурасида замонавий қурилиш техникаси, эришилган илғор ютуқлар ўз ифодасини топади (2-расм).



Замонавий кўргазма павильонларини ққришда энг илғор конструктив усуллар ва замонавий енгил қурилиш материаллари қўлланилади.

2-расм: Клубларнинг лойихавий схемаси.

- Вестибюл.
- Фойе.
- Томоша зали.
- Саҳна эстрада.
- Кутубхона.
- Китоблар сақланадиган хона.
- Тўғарак хоналари.
- Артистлар хонаси.
- Декорация омбори.

- Маъмурият хонаси.
- Кийим ечиш хонаси.
- Буфет.
- Артистлар учун вестибюл.
- Кассалар.
- Терасса.

Кўргазма мажмуалари кўпфункционали архитектуравий – ташкилий фазовий бўшлиқни ташкил қилади.



*3 расм: Ўзбекистон Республикаси пахтачилик кўргазма павильони,
1984 "Ташкинпрогор" ОАЖ*

Лойиҳа қилинадиган кўргазма павильони жамоат биноларининг маданий муассасалар бинолари таркибига кириб, катта шаҳар ва вилоятларда қуришга мўлжаллангандир.


Кўргазма биноларининг классификацияси. Халқаро бюронинг таъбирига кўра, кўргазма – кўрсатиш бўлиб, бундан асосий мақсад,

Республикани намоиш этиш воситалари орқали инсоният ихтиёрида бўлган бир ёки бир нечта соҳадаги фаолиятдан маълумот бериш.

Халқаро ярмарка иттифоқининг аниқлик беришига кўра ярмарка иқтисодиётининг намуналар кўргазмаси бўлиб, ҳар бир мамлакатнинг одатига кўра ўз ҳудудига бўлган йирик маҳсулотларни жорий қилинган муддатда қисқа вақт ичида ўша жойнинг ўзида маҳсулот намуналарини намоиш қилиши, миллий ёки халқаро масштабда савдо-сотик шартларини тузиши мумкин.

Кўргазмалар номларининг ва ташкил этилиш шаклининг турли-туман бўлишидан қатъий назар қуйидагиларга бўлинади:


- мақсадли ўтказишга мўлжалланган — асосан коммерсия савдоси ва маърифий-қизиқтирувчи (бадий, илмий-техникавий, амалий санъат ва бошқалар), булар одатда коммерсия мақсадларида қилинмайди;
- муддатларда ўтказиш бўйича — доимий тарзда маълум муддатларда (ҳар йили, бир ёки икки йилда ва ҳоказо), доимий бўлмаган, маълум бўлган бир тантаналар кунида, алоҳида конгресс ёки бошқа воқеалар муносабати билан, доимий тарздаги ҳаракатда бўлган;
- экспонатларнинг мазмунига қараб — умумтармоқли универсал ҳолатдаги маҳсулотларни ва иқтисодий тармоғининг барча ютуқларини намоиш этиш, фан, техника ва маҳсулотларини, бир нечта саноат тармоғини қишлоқ хўжалик, санъат ва шу кабиларни кўшма ҳолатда ҳам намоиш қилиш;
- қатнашувчиларнинг таркиби бўйича — бутун дунё, халқаро, миллий регионал ва локал (ерлик) бўлиши мумкин.



Кўргазма мажмуасининг классификацияси. Кўргазмаларни янада худудий келиб чиқишига қараб ҳам классларга бўлиш мумкин.

Халқаро ярмарка ва кўргазмалар – истеъмолчиларга бир нечта регионда ишлаб чиқилган маҳсулотларни намойиш қилишга хизмат қилади. Ўз навбатида регионларда кўргазмалар ерлик маҳсулотларни истеъмолчиларга намойиш қилади. Халқаро кўргазмалар айрим кўрсаткичларига қараб алоҳида гуруҳларга ажратилади: давлатлар турли фирмаларининг иштирокига қараб, чет эллик иштирокчиларнинг таркибига қараб,экспонатларнинг умумий сонига қараб 10% (20%) дан кам бўлмаган ҳолда,халқаро стандартларга жавоб бериши лозим. Булардан ташқари ушбу гуруҳга қуйидаги кўргазмалар киради:

- бутун дунё (халқаро кўргазмаларда давлатлар иқтисодий ютуқларини, фан, техника ва маданиятини намоиш этадилар) булар жумласига бутун дунё кўргазмалари – “ЭКСПО” киради;
- халқаро иштироки бўйича (чет эллик қатнашувчилар сони умумий сонига 10% дан кам бўлмаган);
- миллий (алоҳида олинган давлатларнинг фирмалари қатнашуви бўйича);
- регионлараро (бир нечта регионларнинг ишлаб чиқилган маҳсулотларини намоиш этади);
- регионал (ерлик) – фақат ўз ер региони, шаҳридаги фирмалар иштирок этувчи кўргазмалар;
- энг йирик кўргазмалар – булар дунё миқёсида иштирок этувчиларни қамраб олади.



*4 расм: Санкт-Петербург шаҳрида қурилиши режаслаштирилаётган
кўргазма павильони.*

Кўрғазмалар аниқ қўйилган мақсадга эга бўлган ҳолда, қўйилган экспонатларнинг таркиби ва мазмуни билан ажралиб туради.

Архитекторнинг вазифаси олдиндан келиб кетувчиларнинг кўпсонли экспозицияларни кўрсатилишини оптимал тарзда функционал жиҳатдан жойлаштира олиши лозим ва бунга шароит ярата билиши керак. Кўрғазма экспозицияларини томоша қилувчилармузейга нисбатан кам вақт сарфлаган ҳолда қабул қила оладилар.


Кўрғазмалар залидаэкспозицияларни намойиш қилиш жараёнида қуйидаги воситалардан унумли фойдаланиши мумкин: телеэкран, полиэкран, компьютер, диафильм дикторликнинг намойиш этувчи сўзлари билан кинофильмлар ва бошқа замонавий воситалар ҳам иштирок этиши мумкин. Бундай воситалардан фойдаланиши экспозицияларни янада жонли ва тўлиқ намойиши қилинишига имконият беради. Кўрғазма қўйиладиган экспозициялар ўзининг мазмуни ва ҳажмига қараб залдан жой эгаллайди, булардан ташқари, экспонатларни яхши қабул қилиш учун ҳар хил кўрсатиш усулларида ҳам фойдаланилади:

Экспозициянинг катта-кичиклиги, сиртининг кўриниши, ранги ёруғлиги ва ҳоказо. Энг кераклиги томоша қилувчиларга экспозицияни тўлиқ тасаввур қилишига имконият яратиб беради.


Кўрғазма залларининг ёритиш масалалари. Кўрғазма залларининг ёритиш унинг экспозицияларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Бадий кўрғазмаларни ташкил қилишда кўрсатилган барча талабларга риоя қилиш лозим. Универсал ҳолатидаги кўрғазмаларга интеграл тизимидаги табиий ва сунъий ёритишдан фойдаланилган маъқул.

Био интерьерини ёритишни яхши ташкил этилиши иштирокчиларнинг йўналиши оқимини тўғри ҳал қилишда ас қотади.




5-расм: Табiiй ёритишдан фойдаланилган кўрғазма павильонлари.



6 расм: Сунъий ёритишдан фойдаланилган кўрғазма павильонлари.

Ҳозирги вақтда экспозициялар эмоционал тайёрланиши учун ёритиш муҳитини программалаштириш тизимидан фойдаланилиб келинмоқда.



7 *расм:* xx

Кўргазма павильонларининг бадий қиёфаси. Кўргазма павильонларининг қиёфаси одатда, унинг архитектуравий ва конструктурасига бевосита қўшилиб кетган бўлиб, мазмун ғоясини ўзида акс эттиради.

Кўпинча кўргазма павильонларининг ўзи кўргазма экспонатига айланиб қолган ҳолатда янги архитектуравий-режалаштиришни ва конструкцияларни намойиш қилади.

Бу борада кўргазма павильонларига қўйилган талабларини бажара туриб, ички бўшлиқ ечимининг конструкцияларини танлашда, экспозицияларнинг мазмуний жиҳатдан талаб этиладиган янгича, оригинал бадий қиёфаларни кашф этишга тўғри келади.

Диплом иши Тошкентвилоятида қурилиши режалаштирилаётган Кўргазмалар зали биносини лойиҳалаш. Тошкентвилоятида кўргазмалар зали биноси йўқ. Лойиҳаланаётган бино ҳажм жиҳатидан каттароқ ва кенгроқ бўлиши керак. Албатта, кўркам ва ташқи томондан чиройли бўлиши шарт.

Тошкентвилояти иқлими - континентал.

Майдон рельефи - текис.

Қиш ойларида ўртача ҳарорат -3°C дан жуда совуқ бўлса, -12°C гача бўлади. Қор доимий ёғади.

Ёзи иссиқ ўртача 28°C ошиғи билан $37-42^{\circ}\text{C}$.

Куз ва баҳорда шамоллар бўлади, ёзда эса гаримсел шамоли бўлиб туради.

Баҳор ва кузда $20-25\text{ м/с}$ тезликда ёмғир ёғади. Момақалдироқ ҳам кузатилган йиллик ёғин $250-400\text{ мм}$ бўлади.

Қурилишнинг асосий характеристикалари:

Майдоннинг зилзилабардошлиғи - 8 балл

Замин грунтларининг чўкувчанлик тури - I

Грунт сувларининг агрессивлиғи - сульфатли, портландцемент билан шлакопортландцемент аралашмали бетонларга кучли агрессив, темирбетон конструкцияларга эса кучсиз агрессив.

Қор қатлами

- 70 кг/м^2

Шамол босим тезлиги - 45 кг/м².

Грунтнинг музлаш чуқурлиги - 0,6 м.

Лойиҳа ҳаракатдаги ҚМҚ талаблари асосида ишланган.

Лойиҳаланаётган “Кўргазмалар зали” биноси Тошкент вилоятига жойлашган бўлиб, бош режада кўриниб турганидек бинога кириш йўлагининг икки тарафида ўзгача турдаги фавворалар ўрнатилган. Фавворага уланган айлана шаклидаги майдончаларга чим босилган. Айланалар ўртасига декоратив дарахт кўчати экилган. Кириш йўлаги овал шаклда бўлиб, асосий кириш эшигига учта йўлак орқали борилади. Кириш йўлакларига оч жигарранг плиткалар босилган.

Бинонинг олд қисмида ерга алоҳида ёндашилиб ўзгача бир шаклда каймоқранг мрамар плиткалар босилган. Яшил рангли майдончаларга эса чим босилган ва турли хил манзарали декоратив дарахтлар экилган.

Бинонинг ўнг томонига автомобиллар учун махсус тураргоҳ барпо этилган ва шу тарафдан бинога кириш учун эшик ўрнатилган. Бинонинг чап тарафида эса кўргазмага келтириладиган юкларни тушириш учун махсус майдонча ётқизилган. Бу бинода автомобиллар кўргазмаси ҳам ўтказилиши режалаштирилган. Шунинг ҳам инobatга олиб, шу тарафдан бинога кириш учун пандус ўрнатилган.

Бинонинг олд қисмидаги майдонча ўзаро симметрик усулда яратилган. Фавворалар кизил мрамар билан қоплаб чиқилган ва сув чиқиш йуналиши ҳам инсонлар назарини ўзига жалб этадиган қилиб алоҳида ишланган.

Лойиҳачиларнинг айтишича, замонавий материаллар ва замонавий конструктив схемаларни қўллаш орқали иншоотга қулайлилик, формаларнинг драматиклиги, ҳамда, яхши функционаллик беришга ҳаракат қилинган.

Кўргазмага келган меҳмонлар учун очиқ ҳавода эстетик ҳордиқ

чиқариш учун махсус ўриндиқлар жойлаштирилган. Бинонинг гўзаллигини ошириш мақсадида босилган чимларга турли шакллар берилган. Тошкент вилояти кўркига янада чирой кўшиш мақсадида бинони кечаси кўрсатиш учун прожекторлар ўрнатилган.

Ўз лойиҳада замонавий материаллар ва замонавий конструктив схемаларни қўллаш орқали унга қулайлилик, ажойиб облик, функционаллик киритишга ҳаракат қидим.

БИНОНИНГ ТАСНИФИ

Тархнинг конфигурацияси – тўғри тўртбурчак шаклида.

Тархнинг қурилиш ўқларидаги ўлчамлари – 56 x 78 м.

Бинонинг қаватлари сони – 2 қават.

Қават баландлиги – 3,9 м.

Устунлар тўри – 6.0 x 6.0 м.

Конструктив схемаси – бикр, каркасли, бикрлик диафрагмаси билан биргаликда.

Бинонинг капиталлик бўйича классификацияси – II

Ўнғинга чидамлик даражаси – II

Ташқи деворлар – ғиштли, ўз юкини кўтарувчи.

Томлар – икки нишабли, ташқи умумлаштирилган сувни ташқарига кетказиш усулида.

Лойиҳанинг биринчи қаватида қуйидагилар кўзда тутилган:

Тамбур, хол, билет олиш кассаси, кўрикчилар хонаси, гардероб, кўргазмалар зали, эркаклар ва аёллар хожатхонаси, кўргазма буюмларининг омборхонаси, кафе-бар, ошхона, администратор хонаси омборхона билан, ўт ўчириш хонаси, электр ускуналари хонаси, алоқа бўлими хонаси, йўлак.

Лойиҳанинг иккинчи қаватида қуйидагилар кўзда тутилган:

Венткамера, эркаклар ва аёллар хожатхонаси, директор хонаси, бухгалтер хонаси, VIP-хона (2та), балкон, 120 кишилиқ конференц зали,

йўлак, монтажчилар хонаси, архив, буюмларни сақлаш хонаси, медпункт, тозалик гуруҳи хонаси.

Лойиҳага қўйиладиган талаб шундан иборатки, ушбу лойиҳа функционал талабларга жавоб бериши керак. Бу лойиҳалаштирилаётган жамоат биносида кўргазмалар ўтказиш учун ҳамма шарт-шароитлар мавжуд, кўргазмага келган кишилар учун ҳам ҳамма шароитлар яратилган. Бинонинг ер остки қисми йўқ.

Бино мустаҳкамлик, устуворлик, узоқ муддатга чидамлилиқ, сифат талабларига юқори даражада жавоб беради.

Узоқ муддатга чидамлилиги бўйича – I гуруҳга киради.

Биода санитария меъёрлари, хоналарни шамоллатиш масалалари кўзда тутилган. Лойиҳада ёнғинга қарши ҳамма чоралар кўрилган.

Хажмий - тархий ечимлар. Бино тўлиқ каркасли схемада бўлиб, тархдаги ўлчамлари 56x78 м. Қават баландлиги эса 3,9 метр. Бош тарз шимолий – ғарбий томонга қаратилган бўлиб, қуёш нурини тўғри тушишидан сақлайди. Биода ҳамма инженер коммуникациялари шахтадан ўтади.

Қаватлар лойиҳаси биринчи ва иккинчи қаватда хоналар жойлашишини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланган.

1 – қаватда: тамбур, хол, билет олиш кассаси, қўриқчилар хонаси, гардероб, кўргазмалар зали, эркаклар ва аёллар хожатхонаси, кўргазма буюмларининг омборхонаси, кафе-бар, ошхона, администратор хонаси омборхона билан, ўт ўчириш хонаси, электр ускуналари хонаси, алоқа бўлими хонаси, йўлак.

2 – қаватда: венткамера, эркаклар ва аёллар хожатхонаси, директор хонаси, бухгалтер хонаси, VIP-хона (2та), балкон, 120 кишилиқ конференц зали, йўлак, монтажчилар хонаси, архив, буюмларни сақлаш хонаси, медпункт, тозалик гуруҳи хонаси.

Биринчи ва иккинчи қаватларда қуйидагилар кўзда тутилган:

- хожатхона унитаз ва раковина билан биргаликда. Эркаклар хожатхонасида писсуарлар ўрнатилган.

Ошхонада 2та металл мойка ва 4та комфорли газ плитаси, Fast food таомларини тайёрлаш учун барча замонавий ошхона анжомлари ҳам ўрнатилиши кўзда тутилган.

ТЕХНИК – ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧ

Бинонинг умумий майдони - 3823.5м²

Бинонинг ишчи майдони - 2879 м²

Бинонинг қурилиш ҳажми - 32118 м³

Коэффициентлар:

К1 – ишчи майдоннинг бинонинг умумий майдонига нисбати – 0.73

К2 - қурилиш ҳажмининг бинонинг умумий майдонига нисбати – 8.2м

ХАЖМИЙ-ТАРҲИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

№	НОМИ	МАЙДОН И
	1-кават	М²
1.	Тамбур	18.5
2.	Хол	19
3.	Билет олиш кассаси	17.1
4.	Қўриқчилар хонаси	18.9
5.	Гардероб	17.8
6.	Кўргазмалар зали	2879
7.	Эркаклар хожатхонаси	46.4
8.	Аёллар хожатхонаси	46.4
9.	Йўлак	24.3
10.	Администратор хонаси омборхона билан	74
11.	Электр ускуналари хонаси	8
12.	Ўт ўчириш хонаси	8.8
13.	Алоқа бўлими хонаси	27
14.	Кафе-бар	204.2
15.	Ошхона	48.2
16.	Кўргазма буюмлари омборхонаси	99.7
	2- қават	М²
1.	Венткамера	84.4
2.	Балкон	232.8
3.	Эркаклар хожатхонаси	15.1
4.	Аёллар хожатхонаси	15.1
5.	Бухгалтер хонаси	31.4
6.	Директор хонаси	15.1
7.	Йўлак	13
8.	VIP-хона	21.5
9.	VIP-хона	11.7
10.	Конференц зал	149.7
11.	Монтажчилар хонаси	32.9
12.	Тозалик гуруҳи хонаси	31.4
13.	Архив	15.1
14.	Медпункт	15.1
15.	Буюмларни сақлаш хонаси	31.4